

Илёс ИСМОИЛОВ

**Алишер Навоийнинг
«Садди Искандарий»
достони генезиси ва
поэтикаси**



УЎК 821.512.133.09-1

КБК 83.3(5Ў)

И 81

Исмоилов, Илёс.

Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достони генезиси ва поэтикаси [Матн] / –Тошкент: Anorbooks, 2022. – 320 б.

Ушбу монографияда шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достони генезиси ва поэтикаси тадқиқ этилган. Буюк «Хамса»нинг якуни бўлган ушбу асар муаллифнинг мухим адабий-эстетик, ахлоқий-маърифий ҳамда ижтимои-сиёсий қарашу талқинларини ўзида акс эттиради. Мазкур достонни генетик ва поэтик аспектлар уйғунлигига ўрганиш эса Навоийнинг ижодий салоҳияти, оригиналлiği, анъанавий материални бадиий қайта ишлаш маҳорати ва хамсанавислик традициясига кўшган янгиликларини аник тасаввур этишга имкон бериши билан аҳамиятлиdir.

Китоб илмий ходимлар, соҳа мутахассислари, филология факультети талабалари ва барча Навоий мухлисларига мўлжалланган.

Масъул мухаррир
Шухрат Сирожиддинов,
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:
Боқижон Тўхлиев,
филология фанлари доктори, профессор

Каромат Муллахўжаева,
филология фанлари номзоди, доцент

ISBN: 978-9943-8790-0-3

© Илёс Исмоилов, 2022
© «Anorbooks», 2022

ДЕБОЧА

Қачонким зоҳир этсанг «танизъ-ул-мулк».
Сикандариниг бўлуб маглуби Доро.
Алишер Навоий

Алишер Навоий даҳоси ўзининг ноёб қирралари билан ҳали кўп асрлар давомида тафаккур эгаларини ҳайратга солишка давом этади. У мурожаат этган мавзуу ва жанрлар, ифодалаган маъно-мазмун, ахлоқий-эстетик қарашлар ҳар бир даврга мувофиқ характер касб этиб бораверади. Бундай хусусиятни таъминлаган асос, биринчидан, асарларида олам асосида турувчи инсон руҳияти, дунё ва одам муносабати, илоҳий маърифат каби юксак туйгулар ҳамда ўзгармас моҳиятни оригинал бадиий ифодалар билан тасвирлагани бўлса, иккинчидан, тасвирлари, қарашу талқинларининг чукур илдизларга эгалиги, теран асосларга таянишидир.

Адид бутун ижодини муайян система асосида яратди ва ҳар бир асари мана шу улкан системада мухим вазифа бажаришга йўналтирилди. Жумладан, тарихий ёки тарихий мавзудаги асарлари бевосита Навоийнинг ижодий салоҳияти, салафлари ва анъанага нисбатан мавқеини кўрсатса, билвосита туркий тил имкониятларини асослаш ва улусни маърифатли қилиш, инсон камолоти борасидаги гоялар далолатига хизмат қиласи. «Садди Искандарий» достони бу жиҳатдан айниқса эътиборли бўлиб, Навоий ижодида ўзига хос ўрин тутади.

Навоий достонни хотимада бежиз «маодин жавохир» (маъданлар жавҳари), «маҳозин тилсимоти» (хазиналар тилсими) ва «хазина» деб атаган эмас. «Садди Искандарий», дарҳаққат, хазина ёхуд хазиналар очкичи, излаган киши ундан истаганини топиши мумкин. Асар буюк ижодкорнинг муҳим карашлари, кузатишлари ҳамда нодир тасвиру талкинлари билан барча замонларда ўкувчиларни мафтун этиб, онгу шуурини уйготиб, қалбини маърифатга ошно қила олади.

I БОБ. ИСКАНДАР ҲАҚИДА АСАР ЁЗИШ АЛЪЯНАСИННИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ ВА МАНБАЛАРИ

1.1. Искандар мавзусининг Farbdagi диний асослари

Адабиёт тарихи жаҳон ҳалқлари тарихи билан бевозита алокадор, унинг тақдирни инсоният камолоти ва таҳazzули билан параллел кечади. Шу боис адабиётнинг мавзулар галереяси хилтма-хил, улар орасида абадий мавзулар ҳам мавжуд. Шулардан бири жангнома ёки шоҳюма мавзуси бўлиб, мавзунинг мояси машҳур саркарда ва подшоҳлар хаётидир. Тарихда жаҳон адабиётига кучли таъсир кўрсатиб, адабий анъана юзага келишига сабаб бўлган бундай қаҳрамонлар кўп эмас. Дунё микёсида машҳур ва адабий шон-шараф қозонган ана шундай санокли сиймолардан бири Искандар (Шарқда Искандар ёки Искандар Зулкарнайн, Farbdha эса Alexander The Great деб аталувчи шахс) бўлиб, Шарқ ва Farb адабиётига бирдек таъсир кўрсатган бундай шахсни кайта учратиш мушкул. Жаҳон бўйлаб «Александр романларининг 24 тилдаги 80 дан ортиқ версиялари»¹ мавжудлигининг ўзиёқ бу шахснинг довруғи ва мавзу нақадар кенг ёйилганидан дарак беради.

Искандар мавзуси синкетик табиатга эга бўлиб, унинг илдизлари тури ҳарактердаги сарчашмаларга бориб туташади: Искандарнинг жаҳонгирлиги тарихий манбаларга, пайғамбар ёки валийлиги диний манбаларга,

¹ The Book of the gests of Alexander of Macedon. Sefer Toledot Alexandros ha-Makdoni. A mediaeval hebrew version of the Alexander romance by Immanuel ben Jacob Bonfils. Edited and translated with introduction and notes by Israel J. Kazis, Ph.D. – Massachusetts: The mediaeval academy of America, 1962. – P.1.

271. The History of Alexander the Great, being the Syriac Version of the Pseudo-Callisthenes. Edited from five manuscripts, with an English translation and notes by Ernest A. Wallis Budge. – Cambridge: At the University press, 1889. – 680 p.

272. Ünver Ismail. Türk Edebiyatında Manzum İskender-nameler. Doktora tezi. – Ankara: Ankara Üniversitesi, 1975.

273. Fearey Margaret Sharon. Nava'i's turkic and persian quatrains: discourse typology and the bilingual poet. Ph.D. dissertation. – Michigan: 1977. – 188 p.

274. Флавий Иосиф. Иудейские древности. В 2 т. Т.1, Кн. 1-12. – Москва: «Ладомир», 2002. – 784 с.

275. Шодиев Э. Алишер Навоий ва унинг салафлари. – Ленинобод: 1967. – 54 б.

III. Интернет маибалари

- 276. <http://www.iranicaonline.org> (20.11.2020)
- 277. <http://www.ettelaathekmatvamarefat.com> (12.04.2019)
- 278. <http://tefasir.blogspot.com> (13.02.2019)
- 279. <https://ganjoor.net> (05.06.2021)
- 280. <http://dergipark.gov.tr> (14.04.2018)
- 281. <https://dic.academic.ru> (06.06.2016)
- 282. <http://islamilimleri.com> (18.03.22)
- 283. <http://www.attalus.org> (06.07.2022)
- 284. <http://bibliya-online.ru> (12.04.2021).
- 285. <http://ibtrussia.org> (02.06.2022)
- 286. <https://bible.by> (14.04.2021)
- 287. <https://ibL.org.ru> (04.05.2021)
- 288. <https://eleven.co.il> (11.05.2021)
- 289. <https://www.sefaria.org> (10.04.2021)
- 290. <https://www.encyclopedia.com> (08.02.2020)

МУНДАРИЖА

ДЕБОЧА.....	3
I БОБ. ИСКАНДАР ҲАҚИДА АСАР ЁЗИШ АНЬАНАСИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ ВА МАНБАЛАРИ	
1.1. Искандар мавзусининг Гарбдаги диний асослари.....	7
1.2. Александр ҳакидаги грек-юнон романлари.....	26
1.3. Псевдо-Каллисфен анъанаси.....	48
Боб бўйича хуносалар.....	66
II БОБ. ИСКАНДАР МАВЗУСИНИНГ ШАРҚДАГИ АСОСЛАРИ ВА РЕЦЕПЦИЯСИ	
2.1. Искандар мавзусининг Шарқдаги диний асослари.....	69
2.1.1. Зулқарнайн масаласи.....	69
2.1.2. Тафсирларда анъаналар диффузияси.....	89
2.2. Искандар қиссаси шарқ тарихчилари талқинида.....	103
Боб бўйича хуносалар.....	125
III БОБ. ИСКАНДАР ҚИССАСИНИНГ ХАМСАНАВИСЛИК АНЬАНАСИГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ	
3.1. Искандар қиссасининг Навоийгача адабий қайта ишланиш жараёни.....	128
3.2. «Садди Искандарий» достонида сюжет ва образлар такмили.....	149
Боб бўйича хуносалар.....	199
IV БОБ. НАВОИЙНИНГ ТАСВИР МАҲОРАТИ	
4.1. Сарлавҳалар поэтикаси.....	204
4.2. Навоий ижодий индивидуаллигининг ҳикоятларда аксэтиши.....	227
4.3. Достоннинг айрим услубий хусусиятлари.....	258
Боб бўйича хуносалар.....	291
ХУНОСА.....	295
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... 301	